



1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган

ШОСИНГҲА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 46 (3418)

2001 йил 15 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

ЁРҚИН ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМИЗ

1992 йил 8 декабрь ортада қолган сари ана шу кутлуг кунда кўп миллатли халқимиз ҳаётида рўй берган оламшумул воқеанинг тарихий аҳамиятини янада чуқурроқ англаб бораёلمиз. Шу кун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳаётимизнинг Асосий Қонуни, келгусида олға қадам қўйишимиз учун ёрқин йўлчи юлдуз бўлиб қолди.

Мазкур ҳужжат ўзининг ички ҳуқуқий ва сиёсий имконияти билан халқимизнинг ўз тақдирини белгилаш, эркинлик ва ижтимоий адолат, адолатпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш, ўзини ўзи бошқариш бораёлмаган кўп асрлик орзусини ифодалайди. Унда давлатимиз қиёфаси, унинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги демократизми, умуминсоний қадриятларга содиқлик даражаси худди кўзгудагидек акс этган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ўзларининг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура" деб номланган фалсафий асарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра сифат жиҳатдан янги ҳужжат эканлигини эътироф этганлар. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жаҳондаги жамики қимматли нарсалар орасида энг улуги – инсон танлангани ва шу асосда фуқаролар, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қилингани айтилади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва бевосита иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кундан бошлаб ҳаётимизда рўй бераётган барча ўзгаришларни ана шу ҳужжатга таққосламоқдамиз. Бу эса ҳаётимиз стихияли ўзгармаётгани, балки меҳнатимиз, турмушимиз Конституция бўйича қурилаётганини кўрсатиб турибди.

Аввало Ўзбекистонда эришилган мустақиллик, кейин эса мамлакатимизнинг Асосий Қонуни – Конституция қабул қилингани кўп миллатли халқимизни, ҳар биримизни кўп йиллар давомида инсон ҳаётига офат каби пугур етказиб, мустақил тузум улкан машинасининг "мурвати" бўлишдан халос қилди. Биз бундай ҳолатдан чиқиб олдиқ ҳамда инсон энг қадри деб ҳисобланаётган ва шу асосда ўз Конституциясига биноан мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратиб турган мамлакатнинг ажралмас бўлагини ташкил этдик.

Бу йил, учинчи мингйилликнинг дастлабки йилида халқимиз давлат мустақиллигининг ўн йиллигини тантанали равишда ва кенг кўламда нишонлади. Ана шу йиллар давомида мамлакатимизда Конституциянинг муқаддимасида ёзилганидек "республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб" ислохотлар ва яратувчилик ишлари амалга оширилди.

Чуқур маънога эга бўлган ушбу сўзлар замирида давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазибалар – халқимизга кенг кўламда гамхўрлик кўрсатиш, жамиятнинг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш ўз ифодасини топган. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгилашлар айнан мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган. Ана шу улкан яратувчилик ишларининг натижасидан республикаимизда яшаётган ҳар бир фуқаро миллатидан қатъи назар баҳрамандор бўлмоқда. Зеро, Конституциянинг 8-моддасида таъкидланганидек, "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади".

Бу тарзда ифодаланган фикр ўз-ўзидан Қонун олдида барча фуқаролар тенг, Ўзбекистон демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Истиқлолнинг дастлабки кезлари, мамлакатимизда маданий бойликлар, тарихий ҳақиқат қайта тикланаётган бир пайтда буюк аждодимиз Амир Темур айтган "Куч – адолатдадир" деган иборани ўқиганим ёдимда. Ушбу ибора чуқур маънога эга эканлиги Конституцияимизнинг 14-моддасида ўз ифодасини топди: "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади".

Ушбу конституциявий ҳолат мамлакатимиздаги демократиянинг муҳим принципларидан бирини ифодалайди. Мазкур принципга биноан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муносиб турмуш шароити яратиш ва унинг эркин-эмин ўсишига йўналтирилган.

Маълумки, мамлакатимизда бош ислохотчи давлат ҳисобланади. Айнан давлатимиз ўтиш даврининг мураккаб шароитида кўп болали оилалар, кексалар, ногиронлар, етимлар ва аҳолининг бошқа ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватламоқда. Бугунги кунда улкан яратувчилик ишлари олиб борилаётган Ўзбекистон биринчи галда ўз фуқароларининг энг зарур манфаатларини кўзлаётган, уларни ўз ҳимоясига оладиган, осойишта ҳаёт кечириши ва ишлаши учун барча шароитларни яратиб бераётган, ижтимоий адолат қарор топган давлат эканлигини барча яхши билади.

Кучли ижтимоий сиёсат ва унинг ўзбекистонликлар ҳис этаётган ижобий натижалари жамиятимиз ва давлатимиз фаолиятининг асосий мезонига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратганларнинг ана шулар ҳамда давлат ва жамият қурилишига оид бошқа масалаларга доғишмандларча ёндашуви мамлакатимизда нафақат фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликка эришиш, балки яқдиллик билан буюк келажакни барпо этиш йўлидан дадил боришимизни таъминламоқда.

Бу йўлда Асосий Қонунимиз демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамияти барқарорлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлиб қолади.

СОДИҚ БЎЛИШГА ҚАСАМЁД



9 ноябрь – жума кун ИИБ Тошкент Олий ҳарбий техник билим юртида биринчи босқич курсантлари бўлиш бахтига эришганлар ҳарбий Қасамёд қабул қилишди.

3

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
Фармойишига биноан 2001 йил
15 ноябрдан 15 декабргача
республикаимизда "Ёнғин хавф-
сизлиги ойлиги" ўтказилади.



МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасида "Ишонч телефони" хизмати ташкил этилди. Бу хизматдан шаҳар ҳудудида жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳодимлар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш ва улар бўйича таъсир чораларини ўз вақтида қўллаш, омма ўртасида ҳуқуқ-тартибот ишларини олиб боришда фойдаланилади.



Ишонч телефони (56-74-82) ҳар кун соат 9.00 дан 22.00 га қадар узлуксиз фаолият кўрсатади.

Tabassum + TV

ВАЗИРЛИКДА ЙИГИЛИШ

Республика ИИБда ички ишлар тизимининг қатор хизматларида ислохотларнинг бориши, Президентимиз Фармонлари ва Ҳукумат Қарорларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев олиб борди. Йиғилишда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари, жойлардаги қатор хизматлар раҳбарлари иштирок этишди.

Вазирликнинг ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, милиция полковниги У. Нарзуллаев, ҲООББ бошлиғи, милиция подполковниги А. Усмонов, ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Шориксиёв ва бошқалар сўзга чиқиб, тегишли хизматларнинг ўтган ўн ой ичидаги фаолиятини атрофлича таҳлил қилишди, мавжуд камчиликлар ва уларнинг сабабларини ҳолислик билан кўрсатишди. Жумладан, айрим вилоятларда ППХ бўлинмалари, профилатика инспекторлари фаолияти учун етарли шароит яратиб берилмаётгани таъкидланди. Ходимларни ўқитиш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Б. Сиддиқов сўзга чиқиб, йиғилганларга ҳар қандай ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, маънавий етук қилиб тарбиялаш ва назорат қилишга боғлиқлигини ўқтирди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

ЗАРУРИЙ СИНОВЛАР

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги хизматлар раҳбар ходимларининг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича якуний назорат синовлари бўлиб ўтмоқда.

Мазкур синовларни ўтказишдан мақсад ички ишлар идоралари ходимларининг масъулияти, касбий маҳоратини ошириш, мавжуд буйруқ ва талабларнинг ижросини ҳар томонлама бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Раҳбар ходимларнинг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини назорат қилиш имтиҳонлари асосан назарий билимларни тест синовлари асосида, хизмат қуролидан фойдаланиш ҳамда жисмоний тайёргарлик бўйича синовлар эса машқ майдонлари ва ўйингоҳларда ўтказилди.

Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари томонидан ўтказилган ушбу синовларда Тошкент шаҳар ИИББ раҳбар ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар. Бу зарурий синовларга Бош бошқарма раҳбарияти алоҳида эътибор бериб, унга тайёрланиш учун раҳбар ходимларга шарт-шароитлар яратиб берди. Пухта тайёргарлик кўрганлар эса ўзларининг ҳар томонлама мукамал билимларга эга эканликларини яна бир бор исботлашди.

ТАЛАБЧАНЛИК ОШИРИЛАДИ

Республика Ички ишлар вазирлигида хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик тизимида ўқув-режа ҳужжатларини юритишга масъул ходимлар билан бир кунлик семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Унда янги ўқув йили бошланиши билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда республика ИИБ ШТБХ касб тайёргарлиги бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги М. Худойназаров маъруза қилди. У машғулотларнинг асосий йўналишлари ва мавзуларига йиғилганлар эътиборини қаратди, ўқув жараёнининг барча қатнашчиларига нисбатан талабчанликни ошириш зарурлигига урғу берди.

Ўқув машғулотларидан асосий мақсад — ҳар бир ходим тўла ҳажмда назарий тайёргарликка эга бўлиши, жанговар қуроллардан отиш, кўл жанги бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилишидир. Семинар-кеңаш қатнашчилари диққати ана шу масалаларга қаратилди. Улар машғулотларни ўтказиш шакл ва усуллари, ҳужжат юритиш борасида ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Тадбир чоғида энг яхши бўлинмаларнинг тажрибалари қайд этилди.

Ўз мухбиримиз.

Бизнинг суҳбат

— Абдулла Ҳамидуллаевич, республикада киш ойларида ёнги хавфсизлиги ойланини ўтказиш аънаанага айланган. Жорий йилда бу тадбирнинг айнан кеч кузда ўтказилаётганининг боиси нимада?

— Тўғри, илгари бу тадбир асосан киш ойларида ўтказиларди. Сабаби, кишли-қировли кунларда ёнги кўпроқ рўй беради. Чунки бу пайтга келиб ҳамма турдаги иситиш воситалари, мосламалари ишлатилади. Хонадонларда фуқаролар томонидан газ, электр, ўтин-кўмир билан ишлайдиган иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш, ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида кўнгилисиз ҳодисалар, яъни ёнги-лар келиб чиқади.

Бу каби қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида ёнги хавф-

БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан шу йил 15 ноябрдан 15 декабргача мамлакатимизда "Ёнги хавфсизлиги ойлани" ўтказилади. Мана шу муҳим тадбир бошланиши олдиндан мухбиримиз Республика ИИБ Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Х. Қўлдошев билан суҳбатлашди.

сизлиги ойланини кишли-қировли кунларнинг бошланиши даврида ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Одатдагидек, ойлик давомида республикаимиздаги барча корхона, ташкилот, муассасалар, фуқароларнинг турар жойлари текширувдан ўтказилади. Қоидабузарликлар аниқланса, тезда зарур чора-тадбирлар кўрилади, зарур ҳолларда ёрдам кўрсатишни ҳам режалаштирганмиз.

— Тадбир давомида ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари томо-

Ўтган жума куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуига вазирлик Бош бошқармалари ва бошқармалари ходимлари, ички ишлар идоралари фахрийлари ҳамда меҳмонлар ташриф буюришди. Бу ерда милиция ходимларининг касб куни шарафига тантанали маросим ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов тантанани кириш сўзи билан очиб, ички

ишлар ходимларининг республикаимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши ку-

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Б. Сиддиқов осойишталик посбонларини қутлаб, вазир — ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг табригини ўқиб эшиттирди.

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ш. Расулов сўзга чиқиб, шахсий таркибни қизғин қутлади.

Вилоят ҳоқими У. Мирзақулов йиғилганлар шаънига илиқ

Ўзбек Миллий Академик театрининг мухташам биносида пойтахт вилояти милиция ходимлари ўзларининг касб кунларини нишонладилар.

сўзлар айтди. У милиция ходимлари нафақат жиноятчиликка қарши муваффақият билан курашишаётгани, балки ғалла, пахта каби халқимиз насибаси бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нобудгарчиликларсиз, талон-торожга йўл қўймасдан омборларга топширилиши-

рашдаги хизматлари ҳақида қисқача тўхтади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов сўз олиб, йиғилганларни касб куни билан қутлади ва шарафли ҳамда машаққатли ишларида катта ютуқлар тилади.

Ўз мухбиримиз.



Хизмат пайтида ҳалок бўлган милиция ходимларини халқимиз мард ўғлонлар дея ардоқлайди. Ўтган йиллар давомида Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари

ходимларидан ўн бир нафари Ванга, халқига, қасамёдига ва бурчига содиқ қолиб, хавfli жиноятчиларни қўлга олиш, уларни зарарсизлантириш чоғида қаҳра-

монларча ҳалок бўлишди. Вилоят ИИБ раҳбарияти ана шу жасур посбонлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида бошқарма

биноси ҳовлисида "Мотамсаро Она" ёдгорлиги бунёд этишга қарор қилганди. Бу хайрли режа ижобат бўлиб, милиция ходимларининг касб куни арафасида тўлиқ битказилди. "Мотамсаро Она" ҳайкали олдида иккита китоб тасвири бўлиб, унга ўн бир нафар мард милиция ходимларининг исм-шарифи ёзилган.

Қ. КАРИМОВ,

милиция катта лейтенанти.

Суратда: ёдгорликнинг очилиш маросимидан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

Тўрткўл тумани Тўрткўл — Хонқа йўлидаги Амударё ИПХ масканининг янги биноси катта тантана билан фойдаланишга топширилди.

Маросимда қатнашган ҳокимлик раҳбарлари ва фахрийлар милиция ходимларини касб куни билан қутлаб, бинонинг очилиш лентасини кесишди.

— Истиклолнинг қадрқиммати ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бугун бу буюк неъмат нақадар муқаддас эканлигига кўпчилик тушуниб етди. Шундай экан, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги ижобий ишларга кўмаклашиш, ўзининг муносиб хиссасини қўшиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак, — деди Тўрткўл тумани

ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Икромбек Сержанов.

Ҳашар йўли билан бунёд этил-



ган мазкур маскан қурилишига Қурбонбой Ҳусинов раҳбарлигидаги "Қайир" ва Мақсуд Халил-



лаев бошчилик қилаётган "Ислохот" фермер хўжалиқлари яқиндан ёрдам кўрсатишди. Милиция катта сержанти Зокир Саидов ва милиционер Кенжабек Сапаевлар бутун қурилиш давомида юксак ташкилотчилик қобилиятини намойиш қилдилар.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратларда: "Амударё" ИПХ маскани; милиция катта сержанти Зокир Саидов хизмат пайтида.

Жойларда олиб бориладиган тарғибот, ташвиқот ишларига катта эътибор берамиз. Маҳалла, мавзёларда, мактаб ва болалар боғчаларида, корхоналар, ташкилот ҳамда муассасаларда ёнги хавфсизлиги қоидалари бўйича суҳбатлар ўтказилади, кўргазмалар стендлар ташкил қилинади, ҳужжатли фильмлар кўрсатилади.

Одатдагидек, бу йил ҳам танловлар ўтказилади. Тарғибот ишларини олиб бориш ва ёнги-ларнинг олдини олиш борасида яхши натижалар кўрсатган шаҳар, туман ХҲЭБ, ХҲХҚ ҳамда бўлинмалар, ёнги хавфсизлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатиб, намунали натижаларга эришган масканлар, маҳаллалар, мавзёлар, гузарлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармасининг пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

Суҳбатдош С. ШАМСИДИНОВ.

СОДИҚ БЎЛИШГА ҚАСАМЁД

9 ноябрь – жума куни ИИВ Тошкент Олий ҳарбий техник билим юртида биринчи босқич курсантлари бўлиш бахтига эришганлар ҳарбий Қасамёд қабул қилишди.

Байрамдагидек безатилган билим юрти эрта тонгдан гавжумлашди. Республикамининг турли бурчакларидан курсантларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари янги узилган анвойи гулларни бағриларига босиб, бу даргоҳ томон кела бошладилар. Уларнинг ягона орзу-истаги – фарзандлари Қасамёд қабул қилишининг гувоҳи бўлиш. Ушбу маросим, аслида катта байрам. Оналар ҳаяжонда, оталар эса Қасамёднинг улуглигини ўзларича тушунтиришади:

– Инсон ўз ҳаёти давомида неча марта қасамёд қилади? – деб сўрайди ота билим юрти дарвозаси олдида пешвоз чиққан фарзандидан. – Албатта, бу саволга бирдангина жавоб беришинг қийин. Чунки уни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кўпинча инсоний бурч, виждон поклигини қасамёд билан чалкаштирувчилар топилади. Баъзилар эса чин дўстлик учун, ўзаро сир-асрорларини бир умр пинҳон тутишга қасам ичадилар. Бу яхши. Бошқа бировлар ўз сўзининг тасдиғи учун ҳам олт ичаверадилар. Бу, менимча, нотўғри. Ҳақиқий қасамёд фақат бир марта бўлади. У ҳам бўлса марди майдон ўғлонларимизнинг бугунги каби Она-Ватан ҳимояси учун қиладиган қасамёдилар. Оталик меҳрим тутиб, сен, ўғлим, бугун қабул қиладиган ва бир умр унга содиқ қоладиган қасамёд қабул қилиш маросимингда иштирок этиш учун келдим.

Ўғил отасини аста бағрига босади:

– Раҳмат, дадажон, сизни кўриб бошим осмонга етди. Майли, мен энди борай, ҳозир сафланамиз.

– Ўғлингиз роса хурсанд бўлди-да, – дейди отахоннинг йўлда танишган ҳамроҳи.

Билим юрти дарвозалари ланг очилди, навбатчи офицер тантанага йирилганларни ичкарига бошлади. Меҳмонлар билимгоҳ ётоқхоналари, ўқув хоналари, клуб, ошхона, спорт машғулотлари ўтказиладиган иншоотларни кўриб чиқдилар.

– Тўғриси, билим юртида курсантлар учун яратилган шароитларни бунчалик яхши, деб ўйламаганим, – дейди Фаргона туманидаги Аввал қишлоғидан келган Маликахон Раҳматова.

Шундай шароитлар яратиб бераётган билим юрти раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдираман. Эртага уйга бориб, бу ерда кўрганларимни яқинларимга, кўни-қўшниларимга ҳикоя қилиб бераман.



Малика опанинг ёнида турган ички хизмат подполковниги Татьяна Солдатова ҳам ўз ҳаяжонини яширолмади:

– Ўғлим Иван пойтахтдаги ихтисослаштирилган коллежни битириб, шу билим даргоҳига ўқишга кирганидан ўзимда йўқ хурсандман. Сабаби, билим юрти малакали кадрларни етиштириб берапти. Унинг битирувчилари берган Қасамёдларига содиқ қолиб, республикамининг турли жойларида хизмат вазибаларини камқўстсиз адо этиб келаятилар.

Катта майдонда эса курсантлар худди қалдирғочлардай бир текис саф тортти туришарди.

Уларни узоқдан киприк қоқмай кузатиб турган ота-оналар ўз фарзандларини кўзлари билан қидиришарди. Бироқ уларни таниб олиш осон эмас. Негаки, бугунги байрам либосида кўзга бир хил кўринади улар. Ҳар бирининг қалдиқомати қиличдай. Диллар яйрайди, кўз бехос ёшланади.

“Юртимиз тинч, Президентимиз омон бўлсин, осмон мусаффо бўлсин!”. Қай бир ота-она билан рўбарў бўлманг, юзу кўзларида шу ифодани кўрасиз.

Сафда мағрур қад ростлаган офицер ва прапорщиклар, сержант ва курсантларнинг нигоҳларидаги қатъият, она-Ватанимиз равнақи учун хизмат қилиш иштиёқлари баландлиги, ҳарб илмига бўлган улкан чанқоқлик бутун тантанага байрамона кўтаринки кайфият бахш этган эди. Қадимдан эр йигит Ватан ҳимоясига

доим шай турган, унинг сарҳадлари дахлсизлиги йўлида кўксини қалқон қилган.

– Биз бу ўқув даргоҳида келажак буюк Ўзбекистон, деб аталмиш ҳур диёрнинг ҳимоячилари бўлиб етишамиз, – дейди Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидан келиб таҳсил олаётган Жаасур Аслонов. – Бизнинг дунёга машҳур соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Собир Раҳимов каби бобоқалонларимиз шу Ватан тупроғини ҳимоя қилган. Биз уларга муносиб ворис бўлиб етишмоғимиз лозим.

Барча тантана иштирокчилари чехрасида байрамона кайфият. Шахсий таркиб Амир Темурнинг салобатли ҳайкали ўрнатилган майдонда саф тортган. Билим юрти бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник И. Муракаев республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Б. Сиддиқовга курсантлар Қасамёд қабул қилиш маросимига шай эканликларини билдирди. Тантанани билим юрти бошлиғи, генерал-майор Шухрат Ниёзов кириш нутқи билан очиб, Ватанимизнинг мард ўғлонлари учун муқаддас бўлган ушбу тантанали кун билан Қасамёд қабул қилишга шай турган курсантларни, уларнинг ота-оналари, яқинларини билим юрти кўмондонлиги, профессор-ўқитувчилари номидан муборакбод этди.

Шундан сўнг билим юрти Жанговар байроғи олиб чиқилди. Билим юрти

бошлигининг буйруғидан сўнг 1-босқич курсантлари мағрур қад ростлаб, бутун вужуди билан Президентимиз ва халқимизга садоқатли хизмат қилишга, ўз конституциявий бурчларини виждонан бажаришга, тинч-осойишталигимизнинг ишончли ҳимоячиси бўлишга тантанали равишда олт ичдилар.

Алпқомат ўғлининг майдон тўрида Қасамёд қабул қилиб, юзлаб нигоҳларни ўзига тортганини кўрган Қорақалпоғистон Республикасининг Бўстон шаҳридан келган Ўғилжон Каримова ҳаяжондан кўзига ёш олади.

– Ўғлим Эргаш Жуманиёзов ҳозиргина Қасамёд қабул қилди. Қаранг, ҳарбий либоснинг ярашганини. Буларнинг бари Ўзбекистонимиз осойишталиги қўриқчилари. Мен ўғлим ва унинг сафдошлари билан ҳақли равишда фахрланаман... “Мен қасамёд қилиб айтманки, сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимизнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққатли ва қийинчиликларни сабот билан енгилшга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларимиз руҳи олдида қасамёд қиламан...”

Ниҳоят, ҳамма курсантлар Қасамёд қабул қилиб бўлишди. Кўмондонлик буйруғига кўра, оркестр жўрлигида улар билим юрти Жанговар байроғи олдида шаҳдам қадам ташлаб ўтдилар. Ҳаммалари янада масрур, мағрур, мардона кўринарди. Қадамлар зарби, сафларнинг текис ва мустаҳкамлиги дилларга завқ бағишлайди.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Б. Сиддиқов нутқ сўзлади. У курсантларни ушбу тантана билан самимий қўтлар экан, уларнинг ўз Қасамёдларига ҳаммаша содиқ қолиб, келажакда она-Ватанимиз худудий яхлитлиги, халқимиз тинч ва осойишталигини мустаҳкамлашдек масъулиятли ишларида куч, матонат тилади.

Тантанада Республика ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси штаб бошлиғи, генерал-майор В. Бухтеев, ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов, ички қўшинлар фахрийси, истеъфодаги полковник И. Бўронов, ота-оналар номидан истеъфодаги генерал-майор А. Шешляников, Х. Эркабоева, курсантлар номидан В. Шешляников, Д. Абдулла-

ев ва бошқалар сўзга чиқиб, билим юртида таҳсил олаётган бўлажак офицерларнинг ўқиш ва ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Билим юртининг Жанговар байроғи салобат билан бир текис саф тортган курсантлар олдида олиб ўтилди. Шундан сўнг курсантлар бўлиналари билан минбар олдида шаҳдам қадам ташлаб ўтдилар. Ниҳоят, тантана якунлангани эълон қилинди. Ўғлонлар ота-оналари олдида, ота-оналар фарзандлари томон интилдилар. Самимий қўтловлар бошланди.

– Бўйларингдан айла-

Репортаж

най, – дея ўғли Завқидинни бағрига босади Навоий вилояти Нурота туманидан келган Юлдуз Кувондиқова. – Командирларнинг айтганларидан ҳеч чиқма, Қасамёднинг доим содиқ қол, болам!

Полковник И. Муракаев ҳозиргина қасамёд қабул қилган ўғли Илёс-ни бағрига олиб, самимий табриклайди. Уни Президентимиз ва Ўзбекистон халқига ҳар доим содиқ бўлишга қақиради.

Билим юрти худудидан шу кун байрам тантаналари узоқ давом этди. Санъаткорлар катта концерт намойиш этишди. Курсантлар ўртасида турли хил спорт беллашувлари бўлиб ўтди.

Ҳарбий Қасамёд қабул қилиш маросими 1-босқич курсантлари ва меҳмонлар хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

Мурод ТИЛЛАЕВ.



Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРДАГИ ЕНГИЛЛИКЛАР

Маълумки, Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов маъруза қилиб, жиноий жазоларни либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ҳамда давлат манфаатлари сари қаратилган йўлни ҳаётга тадбиқ этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди. Ушбу дастурий ҳулосалар суд, прокуратура, шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти учун асос қилиб олинди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноий-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиб, матбуотда эълон қилинди.

Янги қонунга кўра, энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик тамойиллари кучайтирилиб, жамият учун катта хавф туғдирмайдиган жиноятлар учун кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар – жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, қисқа муддатли (6 ойдан ошмаган) қамоқ жазолари қўлланиши кўзда тутилди. Кўплаб жиноятлар натижасида келтирилган зарар ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси умуман қўлланилмаслиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) 4-қисми, 168-моддаси (фирибгарлик) 4-қисми, 170-моддаси (алдаш ёки ишонччи суниестемол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш) 3-қисми ва 175-моддаси (Ўзбекистон Республика-

сининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш) 3-қисмида бу ҳолатлар ўз аксини топган.

Жиноят кодексининг 15-моддасида кўрсатилган жазо турлари ва муддатларидан келиб чиққан ҳолда жиноятларни турларга таснифлаш тартиби ўзгаририлди. Бу ўзгаришларнинг моҳиятига тўхталамиз: эски қонунга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар ҳисобланган бўлса, янги қонунга кўра, қасддан содир этилиб, қонунда 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ҳамда манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш) 3-қисмида бу ҳолатлар ўз аксини топган.

эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда 5 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда 5 йилдан ортиқ, лекин 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар, ўта оғир жиноятларга эса, қасддан содир этилиб, қонунда 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради. Охириги икки тоифадаги жиноятлар таснифланиши ҳозирча ўзгаришсиз қолган.

Бу ўзгаришлар натижасида илгари хавфлилик даражасига кўра баъзи оғир ва ўта оғир деб таснифланган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар турига, унча оғир бўлмаган деб таснифланган кўплаб жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар қаторига ўтказилди. Йилдан-йилга Жиноят кодексидagi ўта оғир ва оғир жиноятлар салмоғи камайиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар салмоғи ўсиб бормоқда. Бу эса қонуларимизни либераллаштириш йўлида мунтазам иш олиб берилаётганидан далolat беради.

Мазкур қонун кучга киргунга қадар амалда бўлган Жиноят кодексидa жами бўлиб 453 қисмда кўрсатилган жиноятлардан иборат диспозициялар ва уларнинг санкциялари мавжуд бўлиб, янги қонун кучга киргандан сўнг бу кўрсаткичлар жами 451 та қисмда кўрсатилган жиноятлар ва уларнинг санкциялари 215 та моддани ташкил қилди. Ўта оғир жиноятлар эски таҳрирда 60 та, яъни жами жиноятлар сонидан 13,2 фоизни ташкил қилган бўлса, янги таҳрирда улар 52 та бўлиб, 11,3 фоизни; оғир жиноятлар 92

та бўлиб, 20,3 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда 77 та бўлиб, 17,1 фоизни; унча оғир бўлмаган жиноятлар 215 тани ташкил қилган бўлиб, 47,5 фоизни, ҳозирда эса 110 та қолган бўлиб, 24,4 фоизни; ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар 86 та, яъни 18,9 фоизни ташкил қилган бўлса; ҳозирда 212 тани, яъни 47,0 фоизни ташкил этади.

Янги қонунга кўра, илгари ўта оғир ҳисобланган жиноятлардан 6 таси ҳозирда оғир турга, оғир ҳисобланган жиноятлардан 19 таси унча оғир бўлмаган турга, 2 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига, унча оғир бўлмаган жиноятлардан 124 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига ўтди.

Янги қонунга кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазоси жами 46 та жиноят учун енгиллаштирилиб, асосан 3-5 йилгача қисқартирилди. Масалан, 104-моддани владиган бўлса, бу модданинг 1-қисмида кўрсатилган қасддан бадавга оғир шикаст етказиш жиноятининг санкцияси 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони кўзда тутган бўлса, ҳозирда 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. 117-моддада кўрсатилган хавф остида қолдириш жиноятининг 1-қисмида кўрсатилган 3 ойгача қамоқ жазоси чиқариб ташланиб, шу модданинг 2-қисмида кўзда тутилган 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ўзгартирилди.

Жами 64 та модданинг санкцияларида кўрсатилган қилишдан иборат қўшимча жазо олиб ташланди.

118-модданинг 4-қисми (номусга тегиш), 242-мод-

Бизнинг шарҳ

данинг 1-қисми (жиноий уюшма ташкил этиш), 273-модданинг 5-қисми (ғиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш) санкцияларидан ўлим жазоси чиқариб ташланди.

Қуйидаги моддаларнинг санкцияларидан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар умуман чиқариб ташланди:

1. 125-модда – фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш.

2. 139-модданинг 2-қисми – тўхмат.

3. 140-модданинг 3-қисми – ҳақорат қилиш.

4. 141-модда – фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш.

5. 174-модданинг 2-қисми – ахборотлаштириш қоидаларини бузиш.

6. 179-модда – сохта тадбиркорлик.

7. 180-модда – сохта банккредит.

8. 188-модданинг 2-қисми – савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш (ўрнига 6 ойгача қамоқ жазоси киритилди).

9. 189-модданинг 3-қисми – савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (ўрнига 6 ойгача қамоқ жазоси киритилди).

10. 191-модда – қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш.

11. 207-модданинг 2-қисми – мансабга совуққонлик билан қараш (бунинг ўрнига 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси киритилди).

12. 284-модданинг 1-қисми – бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши.

Жиноят кодексининг 85-моддасига кўра, вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди. Жиноят кодексининг 51-моддасига кўра, ўлим жазоси аёлга, 60 ёшдан ошган эркакка ва 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга

нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Қонунда 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар деб таснифланиши сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига ҳам ўзгаришлар киритилди. Бу жиноий-процессуал нормага кўра, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексидa 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, Жиноят кодексидa 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши мумкинлиги баён этилди.

– Демак, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилмай, бошқа енгилроқ эҳтиёт чоралари қўлланилади. Вояга етмаган шахсга нисбатан эса, унга 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб ҳулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайди тақдирдагина қўлланилиши мумкин. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олти ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодексидa махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

А. ЭГАМБЕРДИЕВ,
республика ИИБ
ТББ бошқарма бошлиғи
ўринбосари,
милиция подполковниги.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилларданок инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор билан қаралди. Амалдаги қонун ва қоидалар йиллар давомида ўрганилиб, фуқароларнинг ҳаёт тарзининг яхшиланиб, демократик асосларнинг мустаҳкамланиб бориши билан жиноий жазоларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Бу эса биринчи галда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш борасида муҳим кадам бўлди.

Иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятларга, айниқса, катта эътибор бериляпти. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноий-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган ўзгаришларда бунинг исботини яққол кўриш мумкин.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож

қилиш жиноятини содир этганларга шўролар даврида ўлим жазосигача бўлган чора қўлланилган. Жамият демократлашган сари муқаддам қўлланилган ўлим жазоси 15 йилга қадар қамоқ жазоси билан, айна кунда эса бу жазо тури ўта оғир жазо туридан оғир жазо турига алмаштирилди. Бу эса давлат тизимини ривожланиш қонуларини динамик либераллаштирилишига олиб келмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМО ҲИМОЯДА

Илгари бу жазо турларида жабрланувчига етказилган зарарга иккинчи даражали масала деб қаралган. Ўзбекистон Республикаси ЖКга 2001 йил 29 августда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича айбланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса ҳар қандай ҳолатда айбланувчи томонидан жабрланувчига етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган ҳаракатни амалга оширади.

Президентимиз Ислом Каримов Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида иқтисодиёт со-

ҳасида содир этилган жиноятлар ачинарли ҳол эканлигини айтиб, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва умуман таг-томири билан йўқ қилиниши учун қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Инсонларни бу турдаги жиноятларни содир этганликда айблаб қамаш ҳеч нарсага олиб келмаслиги, жабрланувчилар ҳуқуқларига эътибор йўқлиги, келтирилган зарарга нисбатан айбланувчи кўпроқ жазоланаётганини айтиб ўтдилар.

Илгари 167-модданинг 1-қисмида кўрсатилган мол-мулкни мусодара қилиш буткул олиб ташланган, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари бир йилгача деб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш

жазоси эса олти ойгача деб ўзгартирилган ҳамда томонлар ярашуви назарда тутилган.

Шу модданинг 2-ва 3-қисмлари бирлаштирилган. 2-қисмида кўрсатилган анча миқдор олиб ташланиб, кўп миқдор билан ўзгартирилган, компьютер техникасидан фойдаланиш 3-қисмдан 4-қисмга олиб ўтилган.

Жазо муддати, мол-мулкни мусодара қилиш олиб ташланган, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси олиб ташланиб, энг кам иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваргача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилишга ўзгартирилган.

4-қисмидаги мол-мулкни мусодара қилиш олиб ташланган, саккиз йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазоси олиб ташланиб, ўрнига энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваргача жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ўзгартирилган.

Кўриниб турибдики, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан 167-модда бўйича асосан жабрланувчига етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган ҳаракат олиб борилмоқда.

Алишер ШАРАФУТДИНОВ,
Республика ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи,
милиция полковниги.

Tabassum

Postga gazetasining ilovasi

НАФТАЛИК

+TV

DASTURLAR

ТАНИҚЛИ КИШИЛАР

БИЛАН УЧРАШУВ.

ҲИКОЯ, ҲАЖВИЯ, ХАНДАЛАР,

СКАНВОРД, КРОССВОРД,

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ,

ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ

Инсоният ҳаётига дахшатли хавф солиб турган иллатлардан бири – гиёҳвандликдир. Бу мудҳиш кўчага бир кадам қўйган киши қайтиб чиқолмай унинг гирдобидан айланиб-айланиб, қора манзилга етиб бориши ҳеч гап эмас.

Ёш-режиссёр Нажот Ҳожиёв томонидан яратилган янги видеофильм ана шу долзарб мавзуга бағишланган. Фильмнинг сценарийсини Наманган вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти Улуғбек Мамадалиёв ёзган. Сценарий муаллифи билан суҳбатимиз ана шу фильмнинг яратилиши ҳақида бўлди.

– Сценарий тайёр бўлгандан кейин режиссёримиз билан ролларни тақсимлаб чиқдик. Таниқли кино ва театр актёрлари Лутфилла Саъдуллаев, Карим Мирҳодиев, Гулчеҳра Саъдуллаева, Саида Раметова, Соҳиб Аббосхон, Наргиза Абдуллаева, Изроҳат

сёримизнинг ўзлари картинадаги ҳаракатларни кузатиб турдилар. Мен учун роль ўйнашда далда бўлган яна бир томони таниқли актёрлар билан бирга қатнашганим. Улар кўплаб фильм ва театр саҳналарида роль ўйнаб катта тажриба тўплашган. Кези келганда улар ҳам ёрдам беришди. Ўзим милиция ходими бўлганим учун кундалик иш фаолиятимизни кўрсатиб беришга унчалик қийналмадим.

– Нима учун фильмда айна бадавлат кишиларнинг тубанликка юз тутишлари тасвирланган?

– Гиёҳвандлик модда-

йўл билан уларнинг бойлигини зулукдай сўради. Бунда кўпроқ уларга гиёҳвандлик моддалари қўл келади. Буни ички ишлар идораларида қайд этилган, гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ маълумотлардан ҳам билса бўлади. Ҳар томонлама гуллаб, ривожланиб бораётган супермаркет эгасининг мафия тузоғига илиниб, тубанлик ботқоғига ботиши янгилик эмас. Бу билан биз кишиларни яна бир бор огоҳлантириб, мудҳиш иллатнинг аянчли оқибатини кўрсатиб бердик.

Фильмни “Ажал сўқмоғи” деб номлашимиз ҳам бежиз эмас. Ҳар қандай катта йўл ҳам сўқмоқдан бошланиб, кейин манзилга етади. Гиёҳвандлик кўчасига кадам қўйган киши худди сўқмоқдан одимлаётган одамга ўхшайди. Сўқмоқ уни катта йўлга олиб чиқади. Оғу ҳам кишини разолатга бошлайди ва охири ҳалокатга олиб келади.

– Улуғбек, бу фильм сиз учун ижодий мактаб бўлди, анча тажриба тўпладингиз, яна янги фильмларни кутишга умид қилсак бўладими?

– Наманган вилоятида турли хил жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш давомида кўплаб касбдошларимиз мардларча ҳалок бўлишди. Уларнинг ўз бурчига, касбига, Ватанга, халқига бўлган садоқати туфайли ҳам кўплаб жиноятларнинг рўй беришига йўл қўйилмади. Юрт тинчлиги ва озоқ-ойишталиги йўлида жонини фидо қилган ҳар бир милиция ходимига атаб биттадан фильм яратса арзийди. Мен ижро этган Жасур Акбаров ҳам уларнинг типик вакили. Насиб этса, имконият бўлса милиция ходимлари ҳаётдан фильм яратиш ниятимиз йўқ, эмас.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, ниятларингиз ижобат бўлишига тилакдошимиз.

Садриддин ШАМСИДИНОВ суҳбатлашди.

“АЖАЛ СЎҚМОҒИ” ЭКРАНЛАШТИРИЛДИ

– Улуғбек, фильмнинг яратилиш жараёни хусусида тўхталсангиз.

– Наманганлик ёш режиссёр Нажот Ҳожиёв кутилмаганда мени йўқлаб келиб қолди. У вилоят телевидениеси орқали бир неча марта менинг гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши милиция ходимларининг олиб бораётган ишларини тасвирлаб берган репортажларимни кўрган экан. Менга у айнан гиёҳвандликнинг дахшатли оқибатларини тасвирловчи фильм яратишни таклиф этди. Рози бўлиб, сценарийни ёздим. Кейин икковимиз уни қайта кўриб чиқиб, пухталаштирдик.


Фильм ички ишлар идоралари ходимларининг ҳаётига бағишланган бўлгани учун ҳам вилоят ИИБ раҳбарияти билан келишиб, зарурий маслаҳатлар олдик. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан ҳам зарур амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида кўп гапираимиз. “Постда” ва “На посту” газеталарининг деярли ҳар бир сонидан бу иллат ҳақида, оғуфрушлар тўғрисида ёзилган мақолаларни учратиш мумкин. Айниқса, ёшларнинг бу кўчага кириб кетишля-

ри жамиятни қаттиқ ташвишга соялпти. Уларни бу йўлдан қайтариш учун бутун оммавий ахборот воситалари, матбуот нашрлари имкони борича ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борапти. Ёшларимиз кўпроқ телевизорни, видеофильмни томоша қилишларини ҳисобга олган ҳолда ана шу фильмга қўл урдик.

– Фильм яратиш олдий журналист репортажидан анча мураккаб бўлса керак?

– Нимасини айтасиз. Экранда ёки телевидение орқали киноларни кўрганда фильм ишлаш анчагина осон туюларди. Очиғи, фильмни суратта олиш бунчалик мураккаб эканлигини тасаввур қилмагандим. Жараёнга кириб кетганимдан кейин ортга қайтишга илож қолмади. Режиссёримиз “Тақдир”, “Инқироз” фильмларини ишлаб анча тажриба орттирганлари




учун ҳам бизга йўл-йўриқ кўрсатиб турдилар. Суратта олишни май ойининг биринчи кунидан бошладик ва августнинг биринчи кунини тўла тугалладик.

Фильм яратишда, яъни суратта олишда воқеалар биз экранда кўргандек кетмакет уланиб кетавермас экан. Ҳар бир кадр учун сотлаб тайёргарлик кўрилиб, қайта-қайта суратта туширилади. Кейин ҳаммасини йиғиб, монтаж қилинаркан. Худди мисқоқлаб пахта тергандек гап.

– Фильмнинг бош қаҳрамони ролда сизни кўриб қолдик.

Муродова, Искандар Ҳамроқуловларни таклиф этдик. Жиноятқидирув хизмати ходими Жасур Акбаров родини ўйнашни милиция ходимларидан бирига топширишни маъқул кўрдик. Нажот ака вилоят ИИБ раҳбарияти билан келишиб шу ролга мени танладилар. Аввалига роль ўйнашимни тасаввур ҳам қилолмадим. Чунки кўз олдимга кинодаги актёрлар келарди. Мен умуман актёрликдан беҳабар бўлсам. Илтимосларни ерда қолдирмаслик учун таваккал қилдим. Инсон бирор касб эгаси бўлиб туғилмайди-ку. Милиция, полиция ходимларининг ҳаёти тасвирланган фильмларни кўриб, ўрганишга тўғри келди. Яна бир томони режис-

лари жуда қиммат туради. Уни олдий қишлоқ кишиси ёки ишчининг маошига сотиб олиб бўлмайди. Бебилиска пул топадиган ёки ўша фильмда тасвирлангандек, ҳар кунни ота-онаси чўнтагига даста-даста пул солиб қўядиган бойваччалар сотиб олиши мумкин. Ҳозир мамлакатимизда тадбиркорликка катта йўл очилган. Янги-янги дўконлар очилляпти, фирмалар ташкил бўляпти. Албатта, буларнинг эгалари яхшигина даромад олишади, мақсад ҳам шу. Жамиятимизда шундай бир тоифадаги кишилар борки, илондай сирғалиб, бадавлат кишиларнинг пинжиги кириб олади ва уларни қабоҳатга, разолатга бошлайди ва шу



Хоҳ ишонинг, хоҳ...

Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳрида ғаройиб инсон яшайди. Унинг исм-шарифи Бойд Маклунни. У ўзини инсон деб ҳисобламайди.



Тўғри, у ҳазиллашади, аммо ҳар бир ҳазилнинг замирида маълум даражада ҳақиқат бор. Уни ҳам инсон, ҳам жонивор деб аташ мумкин. Гап шундаки, Бойднинг юраги сиртлонники, жигари бўриники, буйрақлари маймунники, кўз қобиғи мушукники, мия тўқимаси эса чўчканики.

Бу инсоннинг жониворга “айланиши” 1993 йилдан бошланди. Диабет ва гипертония хасталиклари анча

пайтдан бери безовта қиларди. Бироқ 1993 йили Стокгольмга борганида Бойднинг буйрақлари ва жигарида жиддий муаммолар пайдо бўлди.

Швед шифокорлари бундан халос бўлишининг йўли битта — шикастланган аъзоларни алмаштириш эканлигини айтишди. Унинг фамилиясини узундан-узун рўйхатга тиркаб, кутиш кераклигини айтишди. Маклунни қанча вақт кутиш кераклигини сўраганда шифокорлар елка қисиб, балки бир йил, балки икки йилдир, дейишди. Агар икки йил умр кўра олмаса-чи?

Шунда жарроҳдардан бири Стокгольмдаги клиникалардан бирида жонивор-

АЖОЙИБ ЖАНОБ МАКЛУННИ

ларнинг аъзосини одамга кўчириб ўтказиш бўйича олиб борилган тажрибалар муваффақиятли яқунланганини эслаб қолди. 1994 йил 12 сентябрда 60 ёшли америкаликка бабуин маймунининг буйрақлари ўтказилди. Орадан бир йил ўтгач эса шведлар унинг диабетдан зарарланган жигарини бўриникига алмаштиришди.


Операциялар кўнгилдагидек ўтди. Ишониш қийин, аммо аъзолар тутиб кетди. Шундан бери Маклунни

жигари ва буйрақлари панд берганини эслолмайди. Аммо бошқа муаммолар юзага келди. Орадан икки йил ўтгач Маклуннини юрак хуружи безовта қилди. У яна самолётда Стокгольмга учиб кетди. Унинг юрагини синчиклаб текшириб кўрган шведлар уни сиртлонникига алмаштиришни таклиф этишганда Маклунни каловланиб қолди. Ўйлаб кўриши учун вақт керак эди. Кўп ўтмай у рози бўлди. Мана, ниҳоят унинг кўкрагида эркак сиртлоннинг юраги ура бошлади. 1998 йил бир йўла ўнг кўзининг қобиғини мушукникига алмаштирди ва шундан бери кўриш қобилиятдан нолимайди.

Шу билан Бойднинг кўнгилсизликлари ниҳоясига етгани йўқ. 1999 йилнинг бошида унга Паркинсон хасталиги деб номланувчи ваҳимали ташҳис қўйишди. Шундан сўнг шведиялик жарроҳлар Маклуннининг миясига



чўчка мияси тўқимасини кўчириб ўтказишди.



Ҳозирда ярми одам, ярми ҳайвон Маклунни ҳаммани ундан соғлом одам йўқлигига ишонтиришга ҳаракат қилапти. Энг муҳими, бир неча юз минг долларга тушган ушбу операциялардан сўнг Бойд ҳамон ҳазил-мutoйибага бўлган иштиёқини йўқотмади. “Буларнинг бари ҳеч нарса эмас, — дейди у кулиб. — Ишқилиб дум ўсиб чиқмаса бўлгани”.

Б. КЛЕЙМАН тайёрлади.

Эртага таътилга чиқаман! Биринчи навбатда маза қилиб ухлайман — эрталаб шошилишга ҳожат йўқ. Кейин, янги ойнинг биринчи кунини дам олиш уйига етиб бораман. Уёғи — ўн саккиз кун шифобахш сувлардан ичиб, соғлигимни тиклайман. Хуллас, бир ойлик таътилни режасини олдиндан тузиб қўйганман. Ҳар қандай иш режали бўлгани яхши-да.

Лекин... “Уйдаги гап кўчада-

Амаллаб, деворларни ушлаб юриб, ювиндим, чой дамлаб, аранг бир пиёла ичдим ҳолсизланиб, ётиб қолдим. Чала ўликка ўхшаб ётарканман, “ие, шу алфозда ўлиб кетавераманми?” — деган ўй келди хаёлимга. — Ишлаб ўрганган одам ишсиз чидай олмай, тезда ўлиб қолади, деган гап рост экан-да? Йўқ, қандай қилиб бўлмасин, поликлиникага бориб, шифокорга учрашим шарт.

Кўлимда дафтарча, ҳаяжонданми кичкинагина хонадан чиқиш учун эшикни тополмай, довдираб қолдим.

— Ҳозир-ҳозир, мен олиб чиқаман асаб касалликлари шифокорига. Шундай дея ҳамшира авайлаб қўлтиқлади ва кенг пардани четга суриб, эшикни очди.

Ҳангоманинг зўри энди бошланди.

Ўзим тенги асаб касалликла-

ўртоғимизнинг уйида "видео" томоша қилдик. Энди нарсаларни олиб, қайтпимиз", дея жавоб беришди. Йигитлардан бирининг қўлидаги сумка текширилганда, ундан иккита қирқма милтиқ чиқади. Йигитлар қочишга уринадилар. Шу пайт патруль-пост хизмати автопатруль милиционерлари — Ҳамиджон Мусаев, Замзамали Исоқовлар ёрдамга етиб келдилар. Қаршилик кўрсатишга қарамай Замзамали Исоқов билан Латифжон Мансуров йигитни ушлаб, қуролларини оладилар. Абдурахмон Тошпўлатов эса иккинчи йигитни қувлаб кетади. Юз метрча қувиб бориб, етиб олгач, қочаётган йигит тўхтаб, пичоқ билан қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин милиционер

чаптастлик билан уни қўлга олиб, автопатруль машинасига келтиради. Нотаниш йигитлар Кўқон шаҳар ИИБга олиб келинади.

Аниқланишича, бу йигитлар шу куни соат 20.30лар атрофида никоб кийиб, Кўқон шаҳар Хончорбоғ кўчаси 20-уйга қурол билан бостириб киришди. Хонадон эгаларининг қўлларини боғлаб, ўлдириш билан қўрқитиб, пул ва қимматбаҳо буюмларни топиб беришни талаб қилишган ва шу йўл билан хонадон эгаси Эркин Кўқонбоевга тегишли "Жигули" автомашинаси, 40 минг сўм пул, телевизор, видеомагнитофон ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетишди. Аммо автомашинадаги ёниги озлиги учун узоққа боришолмади.

Патруль-пост хизмати милиционерларининг чаққон ва дадил ҳаракатлари туфайли жиноятчилар қўлга олинди. Эркин Кўқонбоевнинг автомашинаси ва унинг уйдан зўрлик билан олиб кетилган бошқа буюмлари қайтариб берилди. Иккита қирқма милтиқ жиноятчилардан далилий ашё сифатида олинди.

Патруль-пост хизмати бўлими милиционерлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида борганимизда милиция сафдори Ахроржон Турсунов Кўқон шаҳридаги Муқимий номидаги истироҳат боғида жойлашган музқаймоқ сотиш шохобчасининг ертўласидан 10 та стулни ўғирлаб кетмоқчи бўлган Ильдар исмли йигитни ушлаб, ички ишлар бўлимига олиб келаётган экан.

Ҳеч қарда ишламайди-ган бу йигит, аввалроқ ушбу шохобча ертўласи қулфини бузиб кириб, у ердан нархи 90 минг сўм бўлган "Phillips" аудиомагнитофонини ўғирлаб, чиқади ва 8 минг сўмга сотиб, маишат қилади. Ярим кечаси иккинчи марта кириб, овоз кучайтиргич ва соябонларни ўмариб чиқади. Иккинчи марта кирганида у музқаймоқ сақланадиган музлатгични ҳам олиб чиқишни режалаштирган эди. Бироқ, бир ўзи эплай олмаслигига кўзи етиб, шерик қидиришга тушди. Тонгга яқин шериклари билан келиб, музлатгични олиб чиқиб кетишди. Ильдар шунда ҳам қониқмади. Эртаси куни эрталаб ертўладан 10 та стулни олиб чиқиб кетаёт-

ганда милиция сафдори Ахроржон Турсунов ҳамда шохобча сотувчиси уни ушлаб олишади.

Вилоят ИИБ патруль-пост хизмати бўлими милиционерлари Кўқон шаҳар ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида сидқидилдан хизмат қилаётганликларининг гувоҳи бўлди. Сафаримиз яқунланаётганда шаҳар ИИБ навбатчиси Мелиқўзи Иноқовнинг айтишича, патруль-пост хизмати милиционерлари Кўқон шаҳридаги кўп қаватли хонадонларнинг бирида босқинчилик жиноятини содир этмоқчи бўлган қуролланган жиноятчини қўлга олишибди. Ундан далилий ашёлар олинган.

Бўрибой ОМОНЗОДА,
милиция
катта лейтенанти.

ЭЗГУ БУРЧ ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги ҳар бир мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутаети. Зеро, тинчлик, барқарорлик, фаровонлик энг катта бойликдир. Жамиятни турли иллатлардан тозалаш ва ҳуқуқбузарликларга барҳам беришда милиция ходимларининг сый-ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади.

Чилонзор тумани ИИБда иш жараёни қизгин ва фаол, қонунларга киритилган янгиликларга алоҳида эътибор берилган ҳолда олиб борилади. Бошқарманинг замонавий ва кўркам кўринишга эга биносига кириб бораркансиз, тартиб-интизом, ходимларнинг ғайрат-шижоатини кўриб ҳавасингиз келади.

Ўз ҳамкасблари орасида обрў-эътибор топган, хизмат бурчини сидқидилдан адо этаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция капитани Қувватали Ҳайдаровга бир нечта савол билан мурожаат қилдик.

— Қувватали ака, сиз билан суҳбатлашгунча иш жараёнини қузатишга улгурдим. Хонангиздан одам узилмайди, кўнгироқ устига кўнгироқ. Айтинг-чи, бундай масъулиятли касбни танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Болалигимдан эгнимга милиция кийимини кийишни орзу қилганман. Кийимнинг ўзиёқ одамни ўзгартириб юборади, яъни дадиллик уйғотади. Зиммага фуқароларни ҳимоя қилиш масъулиятини юклайди. Бундан ташқари, бу соҳа кишиларининг юриш-туриши, табиатидаги жиддийлик мени бифарқ қолдирмаган. Жиноятчиликка қарши кураш, менимча, йигит киши учун фахрлидир. Шу боис, армияда йигитлик бурчимни ўтаб қайтгач, милицияга ишга кирдим. 1996 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомладим.

— Вазифангиз нималардан иборат?

— Туманда 43 та маҳалла бўлиб, уларнинг бари бизнинг назоратимизда. Мен хизмат вазифамга кўра 134 нафар профилактика инспекторларининг ишини ташкиллаштириб, назорат қиламан. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш, содир этилган жиноятларни очиш, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилаётган.

— Сиз кўпроқ нималар ҳақида ўйлайсиз?

— Аввало ишда муваффақиятларга эришиш ҳақида ўйлайман. Ўзи ва касбини ҳурмат қилган одам ўзгаларни ҳам ҳурмат қилади. Мен ҳаммиса ана шундай инсон бўлиб қолишни истайман. Қани энди жиноятлар бўлмаса, ҳамма бир-бирини ташуниб, тинч-фаровон яшаса, оилавий келишмовчиликлар ҳам рўй бермаса, деб орзу қиламан. Яқингинада ҳузуримдан чиққан рус аёлни кўрдингиз, аҳволи оғир. Эри уни шу даражада калтаклаганки, бечора оғриқдан инграб юбораётди. Албатта, унинг муштумзўр эри жазосиз қолмайди. Аммо бу оиладаги муҳит, болалар тарбияси одамни ўйга толдиради.

— Милиция ходими соғлом, чиниққан, бақувват бўлиши керак. Сиз спортнинг қайси турига қизиқасиз?

— Спорт — соғлик гарови, деб бежиз айтишмаган. Одам ақлий ва жисмоний

меҳнатни биргаликда олиб борса ишида унум, соғлиги мустаҳкам бўлади. Эртдан кечгача бир жойдан қўзғалмай ўтириб меҳнат қилишни тасаввур этишининг ўзи қийин. Мен ва ҳамкасбларим ҳар куни эрталаб югуриш, баскетбол ўйнаш ёки хавзада чўмилиш орқали ўз танамизни чиниқтириб, сўнг ишга етиб келамиз.

— Матбуот нашрларидан қайсыларини ўқийсиз?

— Кўпроқ соҳамизга алоқадор газета-журналларни мутолаа қиламан. "Постда", "Огоҳ" газеталари ва "Қалқон" журналининг мароқ билан ўқийман, уларда ёритилаётган рағ-баранг мақолалар катта таассурот қолдираётди.

— Бўш вақтингиз қандай ўтади?

— Бўш вақтим жуда кам. Ишимиз шунақа-да. Баъзан уйга кеч бораман, бу пайтда болалар ухлаб қолган бўлишади.

— Бунга рафиқангиз қандай қарайди?

— У кўникиб қолган. Бизнинг соҳадаги кишиларнинг умр йўлдоши ҳам ўзимиздек чидамли, ёнимизга қанот бўлмаса фаол ишлашимиз мушқул.

— Касбингизни ўзгартириш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Йўқ. Касбим ўзимга ёқади. Ишимиз халқ осойишталигини сақлаш экан, эл ишончини оқлашнинг ўзи катта бахт, деб ўйлайман. Кейинги кунлардаги воқеалар, Американинг жожа, терроризмнинг жирканч қиёфаси бутун дунёни ларзага солмоқда. Биз ички ишлар ходимлари терроризм, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши бор куч-ғайратимизни сарфлар эканмиз, айниқса, келажагимиз бўлмиш ёшларни эҳтиёт қилишга интиламиз.

Роҳат ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.

Хоразм вилоятининг Шовот туманида кейинги ойларида жиноятчилик сезиларли даражада камайди. Содир этилган жиноятлар тезда очиби, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилаётгани, айниқса, қўлга киритилаётган ютуқларда омил бўлмоқда. Туманда профилактика инспекторларининг хизмати фаоллашиб бораётди. Уларнинг фуқаролар билан алоқасини мустаҳкамлаш, жамоат ташкилотлари билан баҳамжиҳатликда ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратилапти. Янги-янги милиция таянч пунктлари очилмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Жумабой ҚОЗОҚ
олган суратлар.



ШОВОТЛИК ПОСБОНЛАР

Суратларда: туман ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ҳамдам Ҳужаниёзов маҳалла посбонлари билан галдаги иш режалари ҳусусида суҳбатлашмоқда.

Туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Ҳасанбой Матсапоев профилактика инспектори, милиция капитани Қосимбой Ёқубов ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, милиция лейтенанти Рўзимбой Курбоновларга навбатдаги топшириқларни беришти.



МЕҲРИБОН ВА ҒАМХЎР

Қоровул қўшинлари ҳарбий жамоаларида ўз касбини ардоқлаб, хизматда бахт топган оилалар кўпчиликини ташкил этади. Гулназаровлар оиласи ана шулардан биридир.

Зиёлилар оиласида туғилиб вояга етган Феруза Гулназарова "Умр йўлдошим билан тез-тез кўчиб, яшаш жойимизни ўзгартиришга кўникиб қолдик", — дейди кулимсираб.

Бойсун туманидаги "Қорабўйин" хўжалигида яшовчи Ҳ. Мақсуд мактабда муаллимлик қилади. Ёш авлодга таълим-тарбия берувчи устознинг нопок ишидан ҳамма ёқа ушлади. Туман ИИБ ходимлари текширув ўтказиб, унинг ёнидан 15,5 г. гиёҳвандлик моддаси топди-

Катта тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаётган Феруза аскарлар соғлигини сақлаш, мабодо улар касалга чалинган бўлса, меҳр билан парвариш, муолажа қилишни биринчи галдаги вазифаси деб билади. Шунинг учун бўлса керак, у аскарларга худди ўз яқинларидек ғамхўрлик кўрсатади.

Унинг турмуш ўртоғи, зобит Фурқат Гулназаров ҳам ҳарбийлик касбини ар-



доқлаб, Ватан ҳимояси йўлида бор билим ва иқтидорини сарфлаб келяпти.

Х. ОЛЛОНазаров,
Суратда: Феруза Гулназарова.

ҚИСКА ХАБАРЛАР

Бу нобакор ўзига оқ-қорани танитиб, саводини чиқариб, илм берган ўқитувчиси Б. Хурсановнинг тўрт бош қорамолини ўғирлаб кетади. Милиция ходимлари Қ. Ашурни молларни бозорга ҳайдаб кетаётганда ушлашди.

Кумқўрғон тумани "Сайхон" жамоа хўжалигида яшовчи Қ. Ашур бели оғримай нон ейиш мақсадида маҳаллани айланиб чиқади.

С. АБДУВОҲИДОВ.

ЎЗИГА ЎЗИ ЧОҲ ҚАЗИДИ

Шарқда пурхикмат бир гап бор. Бошинга не бало келса, бировданмас, ўзингдан кўр, деган. Албатта, ҳар бир инсон ўзининг хатти-ҳаракати ва қилмиши оқибатида фойда ёки зарар кўради, азият чекади. Яқинда катта миқдорда героин гиёҳвандлик моддаси билан қўлга тушган Ш. Жумабойни тергов қилишимга тўғри келди.

Ш. Жумабой илгари ҳам оғуфурушлик билан шуғулланган. Оз-оз миқдорда Тожикистон Республикаси-дан қоратори, героин, опий ва бошқа хил гиёҳвандлик моддаларини олиб, Ўзбекистонга ўтказиб сотган. Боёвутлик бу фуқаро ҳеч қачонда ишламайди. У охири марта ҳам тожикистонлик фуқаролар билан жиноий тил бириктириб, катта миқдорда героин олди-сотдисини амалга ошироқчи бўлади.

Боёвут тумани марказида жойлашган деҳқон бозорида тентираб юрган Ш. Жумабой А. Назиржон билан учрашиб қолади.

— Сизни анави “дори”дан топиб беришга қурбингиз етади, менга озроқ керак эди, — деди Назиржон овозини пасайтириб.


— Очиғи, майда-чуйда-лаб ташишга тоқатим йўқ, — деди Жумабой сикретни чуқур тортиб.

— Демак, ишончли танишларингиз бор экан-да?

— Боғини суриштириб нима қиласиз, буюртмани бераверинг. Пулини наҳд тўласангиз бас, хоҳлаган миқдорда олиб келаман.

Икковлон гапни бир жойга қўйишди. Эртасигаёқ Жумабой Тожикистон Республикасининг Ўратепашаҳридаги деҳқон бозорида пайдо бўлди. Эски танишларини излаб топиб, харидор топганини айтди.

Тожикистонлик жиноий шериклар Жумабойга 1,2 кило героинни қўшқўллаб тутқаздилар. Яна 20 грамм-ини эса алоҳида қоғозга ўраб беришди. Чунки, харидорга оғунинг сифатини кўрсатиш учун керак бўлади. Жумабой жами 1220 грамм героинни беш минг АҚШ долларига келишиб, ортига қайтади. Гиёҳвандлик моддаси билан божхона масканидан ўтиш хавфли,



албатта. Илгари ҳам овлоқ жойлардан ўтиб юрган “тадбиркор” яна бир иложини қилиб, Ўзбекистонга ўтиб олади.

Келишилган кунда у яна Боёвут тумани марказидаги бозорда пайдо бўлади. Назиржон уни кўриб аввалига ишонмайди. Чунки шунчаки кайф устида гапирди, деб ўйлаганди. Жумабой уни чойхонага таклиф қилиб, чой устида бир килодан ортиқ героин олиб келганини айтади.

— Очиғи, мен ишонмагандим, — деди Назиржон. — Нега ишонмадингиз? — сўради Жумабой.

— Ҳаммаёқ текшир-текшир. Шунча дорини олиб ўтишининг ўзи бўладими, ахир.

— Э, текширувчилар шохида юрса, биз баргида юрамиз. Айримлар 10-15 грамм героинни сотишни ҳам эпдолмай, қўлга тушиб қолади.

— Нархини келишайлик, — деди Назиржон мақсадга кўчиб.

— Ўн минг доллар

— Йўғ-е, ҳозир нархи анча пасайган, кейин шунча молни майдалаб сотишининг ўзи бўладими?

— Майдаламай, яхлит оладиган харидорни то-

пинг, озроқ тушиб бераман, — дейди Жумабой.

Хуллас, саккиз минг АҚШ долларига келишишди.

Ш. Жумабой кўпдан бери ички ишлар ходимларининг эътиборини тортиб келарди. Гарчи унинг оғуфурушлик билан шуғулланаётгани ҳақида билишмаса-да, ҳалол пул топиб яшаётганига шубҳа қилишарди. Жумабойнинг охири кунлардаги ҳаракатлари бежозанлигини сезган милиция ходимлари унинг изидан тушишди. Икки кишининг шивир-шивир-ю, атрофга аланглаб юришидан ҳушёр тортиган осойишталик посбонлари оғуфурушларни айни олди-сотди бўлаётганда қўлга олдилар.

Тергов жараёнида Ш. Жумабой барча жиноий ҳаракатларига иқроор бўлди ва бўлган воқеани сўзлаб берди. Ундан бу мудҳиш кўчага нега киргани сўралганда, тожикистонлик танишларим сабабчи, деган гапни айтди. Албатта, Жумабойни улар зўрлаб, мажбурлаб гиёҳфурушликка ўргатишмаган. Мўмай пул топиш истаги устун келган. Шунинг учун ҳам жиноят кўчасига киришга ўзи айбдор, яъни ўзига ўзи чоҳ қазиган, десак тўғри бўлади.

Б. ЗОКИРОВ,
Сирдарё тумани
ИИБ терговчиси,
милиция подполковниги.

КИДИРИЛМОҚДА

Юқоричирчиқ тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун кидирилмоқда.



Жумабек Тўйчиевич КУНИШЕВ. 1971 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Шамил Абдуқодирович ТЕШАБОВ. 1976 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Роберт Семёнович ТЕН. 1965 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Родион Викторович ДОН. 1972 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Юрий Барисович ТХАЙ. 1979 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Георгий Савельевич ХОН. 1974 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қардалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар бериларини сўраймиз.

И. САЙФУТДИНОВА.

АКА-УКА “КАШФИЁТ”ЧИЛАР

Тошкентнинг Сергели туманилик ака-укалар пул топишнинг антиқа усули-



ни “кашф” қилишди. Улар уйларида узокроқда — Яқкасарой туманида жойлаш-

ган дўконларга бориб, сотувчиларга арзон нархда салқин ичимликлар олиб келишларини айтишди. Сотувчилар ҳам айниқса кока-коланинг бир шишаси 63 сўмдан эканлигини эшитиб, дарҳол рози бўлишди. Шу тариқа эртасига ичимлик олиб келиш шартини оғанилар билан қанча дўкондан бўш шишаларни олиб кетишди.

Уларга унча ишонқирамай ортларидан эргашган сотувчиларни ҳам ярим йўлдан турли баҳоналар билан лақиллатиб қолдириб кетишди.

Шиша идишларни эса ўша кунёқ бошқа дўконларга арзон-гаровга пуллашди. Чув тушган дўкондорлар қўл силтаб қолаверди. Уларнинг бирорта-ми милицияга келиб арз қилишни хаёлига келтиришмади.

Эшак аравада эвазига ширилиқ ёки пул бериб болакайлардан бўш шиша йиғиб юривчилар юқоридаги учарлардан иш ўрганишса бўларкан дерсиз. Аммо улар оғанини “ишбилармонлар” қўлга тушганини, етказган зарарларини қоплаганини ҳам билиб қўйишсин.

А. ОРИФЖОНОВ,
милиция катта лейтенанти.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИИБ ХАБАРЛАРИ

Учқўприклик Юлдуз Б. келин бўлиб тушган хонадонда арзимаган сабаблар билан тез-тез жанжал чиқаришни одат қилди. Уни тартибга чақирган қайнотасига нисбатан тухмат қилиб, мени зўрламоқчи бўлди дея, милицияга ариза берди. Текширув ўтказилганда эса нобакор келиннинг тухмати ошкор бўлиб, ўзига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Эр-хотиннинг уриши — дока рўмол қуриши деймиз. Лекин қўқонлик Давидхўжаевларнинг жанжали пичоқбозликкача бориб етди. Уйда бошланган можаро хотин ишлайдиган тўқимачилик комбинатига етиб борди. Муқаддас ишлайдиган комбинат ошхонасига кириб келган Камолхўжа уни бўралаб сўка кетади.

Хотин ҳам бўш келмай оғзига келганини қайтармади. Эр “шерлик” қилиб ошхона пичоғини олиб, хотиннинг қорнига санчиб олди.

Бағдод тумани ИИБ ходимлари “Анти-террор” талбирини ўтказиб Муллавали кишлоғида яшовчи У. Убайдулла уйда 1954 йилда ишлаб чиқарилган 16 калибрий овуқолини ноқонуний равишда сақлаётганини аниқладилар.

Ўзбекистон туманида яшовчи К. Нуриддин валютафурушлик билан шуғулланган, фарғоналик З. Бозорбоевдан 100 АҚШ долларини ўзбек сўмига алмаш-

тириб бериш учун олиб, алдаб, пулни қайтармай юргани учун милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бешариқ туманидаги Узун кишлоғида яшовчи, ҳайдовчи А. Мирзаев автомашинасини тузатаётганда, сигарет чекади. Бензин баки ёнига тушган сигарет чўғидан ёнғин чиқади ва ҳайдовчи куйиш жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади.

М. КИМСАНБОВ.

Ё, ТАВБА!

ОХИРАТДА ҲАМ САВОЛ-ЖАВОБИ БОР

Қош қорайди. Пойтахтнинг Акмал Икромов тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Б. Тошев торгина йўлқадан борарди. Йўлқаднинг бир томонида болалар боғчаси девори, иккинчи томонида эса хусусий гаражлар қад ростлаб турарди. “Чўнтак фонаримни олмамман-да” хаёлидан ўтказди тезкор ходим. Милиция таянч пунктига етишига озгина қолганда димоғига ёқимсиз ҳид урилди. Милиция ходими ҳид келаётган хазон уюми олдида тўхтади. Сўнг чўнкайиб ердан қурган шохчани олиб, секин қовжирган барглари тита бошлади. Тезда нимадир ўралган кир латта кўринди. Тошев латтанинг четини очиб беихтиёр орқага тисланди — латта ичида гўдак мурдаси бор эди...

... Тергов-тезкор гуруҳи ва прокуратура ходимлари суд-тиббий экспертининг хулосасини сабрсизлик билан кутишарди.

— Чақалоқ узоғи билан бир ҳафталик. Бундан икки-уч кун илгари оламдан ўтган, — эксперт ўйчан қўшиб қўйди. — Онаси ичкиликка ёки гиёҳвандликка муккасидан кетган бўлса керак.

— Аёл шу ерлик бўлса керак. Бунақа хилват жойларни бегоналар билмайди, — кимдир луқма ташлади.

Гуруҳ аъзолари айбдорни топиш учун кўп тер тўқишларига тўғри келди: тумандаги туғруқхоналарни, аёллар мас-лаҳатхоналарини айланиб чиқишди. Яқинда туққан аёлларни, уларнинг болаларини суриштиришди. Гўдакнинг онаси врачларга мурожаат қилмаган, ҳомиладорлигини яширган бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш лозим эди.

Ниҳоят, учинчи кун кечга яқин шу мавзеда яшовчи кампирлардан бири қизиқ кузатишини айтиб қолди. Ҳақиқатан ҳам кўпича айнан нафақадорлар бошқалар сезмаган нарсаларни пайқашди. Унинг айтишича, яқин-яқингача мавзеда галати жуфтлик санғиб юрган. Улар жулдур кийинишган, доимо маст ҳолатда бўлишган. Ичкиликка пулни бўш шишалар топшириб топишган бўлишса керак.

“Менимча аёлнинг ой-куни яқин эди. Сўнгги пайтларда кўринмай қолишди”, — деди кампир.

Унинг гап-сўзига қараб гумонланувчиларнинг фотороботини тузишди.

— Улар муқим яшаш жойлари бўлмагани учун топиш мушкул кечиши мумкин эди, — дейди Б. Тошев. — Аммо омадмиз келди. Қўшни мавзелардан бирида белгилари гумонланувчиларга ўхшаган эркак ва аёлни қўришибди.

Аваллига улар ўзларини ҳайрон бўлгандай тутишди. Аёл ҳомиладор бўлганини ҳам, бола туққанини ҳам рад этди. Уни тиббий кўриқдан ўтказишга тўғри келди. Врачлар аёл яқинда туққанини қатъий тасдиқлашди. Шунда аёл ўзини тутолмай йиғлаб юборди ва бола ўлик туғилганини айтди. Аммо унинг бу гапи ҳам ёлғон экан. Суд-тиббий эксперти гўдак тирик туғилганини таъкиллади.

Тергов тугади. Иш судга оширилди. Аёл қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади. Аммо бу қилмишининг охирагда ҳам савол-жавоби бор.

Воқеий ҳикоя

Олчинбек дарвозани қулфлаб, бироз суяниб турди. Эшик ёпилиши билан, ҳамма нарса ёпилгандай бўлиб ўтган воқеалар гўё очилмас парда ортида қолгандай туюлди. Илик-қина душдан кейин ошхонадаги музлатгичдан яримлаб қолган шишадаги ароқ ва тақсимчада уч-тўрт бўлак қазини олиб, меҳмонхонага ўтди.

Телевизорда хорижий фильм намоиши этиларди.

келди. Унинг қорамағиз юзи, ўзига ярашган мўйлови, қош-кўзлари аниқ кўринди. Ёнида қиз ҳам пайдо бўлди. Аввалига улар нималардир деб бақирди, кейин даҳшатли қушга айланиб, Олчинбекка чангал солиб, ўткир тирноқларини баданига аёвсиз ботиришди. Олчинбек бақирар, аммо овози чиқмасди. Қушлар уни осмонга кўтариб чиқиб, ташлаб юборишди...

ратчилар йиғилиб, қишқир савдо ишларини маслаҳатлашишдан кейин зиёфат уюштирилди. Зиёфат ташкилотчиси айнан спиртли ичимликлар билан савдо қилади, унинг уч-тўртта катта дўконлари бор. Яқинда эса набира кўрган, хуллас дастурхонга гўёки чой ўрнига ароқ тортилди. Аксарият кишилар машинаси келишган. Олчинбек шаҳардан ташқарида яшагани учун “Жигули”да келганди. Зиёфат тугагач бир дўсти уни

гал машина рули ўзидан ўзи ишламай қолиб, йўл четига pista-корт сочиб ўтирган аёлни босиб кетишига бир баҳя қолди. Йигит шулар ҳақида ўйлаб бораркан, аёлнинг тузоғига тушиб қолганидан асаби ўйнади. Тижорат иши юришмай турганда, катта пул бериб, ҳомийлик қилиб, Олчинбекни измига бўйсундириб олган Сарагул тез-тез уни йўқлаб туришга мажбур қилади.

У машинани катта йўл серкатнов бўлгани учун

ниб кўрди. Лекин масала равшан эди. Миёсига яшин тезлигида бир фикр келди: йигитни ҳам тинчитиб, икковини сувга ташлаб юборса, ҳаммаёқ сув қуйгандек бўлади.

— Ака, машинангизда Дилбарни касалхонага олиб борайлик, — деди йигит илтижо билан.

— Ўлиб бўлган деясан-ку, нима фойдаси бор.

Олчинбек секингина машина ортига ўтди. Йигит қизнинг сочларини силаганча йиғларди.

— Наҳотки сиздан айрилдим Дилбар, кўзингизни очинг.

Йигитнинг бошига катта тош билан ургандан кейин, шоша-пиша икковини анҳор четига судраб бориб, ташлаб юборди-да, машинани илдам ҳайдаб кетди...

Бўзариб тонг ота бошлади. Олчинбек аранг ўрнидан турди. Худди атайлаб терлагандай, бадани жиққа ҳўл эди.

Чопонини елкасига ташлаб, айвонга чиқди. Хоналарга бир-бир кириб, кўздан кечирди. Охири ҳовли этагидаги пастаккина уйларга борди. Бу уйда ота-онаси яшашган. Уни чиройли безатиб қўйган.

Опалари келганда шу уйда кутади. Тўрда уларнинг сурати қўйилган. Атрофида эса ўзининг, болаларининг, опаларининг, жияларининг ҳар хил суратлари бор. У суратларга узоқ тикилиб турди, лаблари пичирлаб, кўзларига ёш келди.

Ҳовлини айланиб яна уйга кирди-да, кийиниб чиқди. Машинага яқинлашди, хаёлига нимадир келиб, ортига қайтиб, эшикдан чиқди. Бироз юриб автобус бекатида бораётганди, ёнида машина тўхтади:

— Йўл бўлсин, Олчинбек, — деди ҳайдовчи қулиб.

— Милиция идорасига, — деди у.

У дарвозага яна бир бор қаради-да, машинага ўтирди.

С. ШАМСИДИНОВ.

ВИЖДОН АЗОБИ

Уретма-кет икки пиёла ароқни ичиб, бир бўлак қазини иштаҳа билан чайнади. Кейин бироз фильмини кўриб ўтирди. Воқеалар негадир танишдек туюлди. Худди бугун бўлиб ўтгандай. Шишадаги ароқнинг қолганини ҳам ичгандан кейин кайфи ошгандай бўлди. Телевизордан кўзини узмасди. Фильмда бир йигит полиция маҳкамасига келиб, қилган жиноятини айтиб берарди.

Олчинбекнинг боши айланди. Нима, у ҳам ўз қилмишига иқроор бўлиб, милицияга борсинми? Йўқ-йўқ, асло бормайди. Биринчидан, воқеани ҳеч қим кўрмади, иккинчидан, турган гап — қамашади.

У фильмини охиригача кўрмай, телевизорни ўчириб, ўринга ётди. Аввалига уйқуси келмади, кўз ўнгига ўша мудҳис воқеа киноагидай ўтаверди. Анча толиққани учунми, барибир кўзи илдинди. Бироздан кейин бақирганча уйғониб кетди. Даҳшатли туш кўрганди.

... Сув бўйида ёшгина хушсурат йигит билан чиройда йигитдан қолишмайдиган қиз шивирлашиб ўтирибди. Шу пайт ортларидан машинада Олчинбек келиб қолди. Йигит сакраб туриб машинага кўкрагини керганча

Олчинбек тушининг таъбирини ўзича чамаламоқчи бўлди. Лекин, йигит билан қизнинг қиёфаси кўз олдида кетмасди. Ётиб кўзи илдинди. Бироздан кейин яна бақириб уйғониб, ўтириб олди. Қушлар энди унинг бошида чарх урарди. Туришга мажзоли ҳам қолмади. Ўтирган кўйи росмана йиғлай бошлади.

... Эрталаб Олчинбекнинг хотини болаларини олиб, акасиникига кетди. Акаси шаҳарда яшайди. Болалар кузги таътилда бўлгани учун, шаҳарга циркка, ҳайвонот боғига борамиз дея хархаша қилишганди. Олчинбек розилик билдирди.

— Сиз ҳам юринг, бир йўла опангизникига ҳам ўтардик, — деди Маъсума.

— Бугун озгина ичим бор, эртага зарур жойга тўйга бораман, индинга опамникига ўтинлар, ўша ерда учрашамиз, — деди.

Олчинбекнинг “иши” ўзига маълум, бугун яна катта бир йиғилишга бориши керак. Улфатлар билан ўтириш бошқача, лекин савдо аҳли билан йиғилганда анча ҳушёрлик керак. Олчинбекнинг ичкиликка унчалик ҳуши йўқ, бироқ давраларга тушиб қолса, кўпчиликдан қолгиси келмайди. Бугун ҳам шундай бўлди. Тижо-

уйига олиб кетди. Эрталаб бош оғриғига аччиқ маставадан олдин яна юз-юз олинди. Кечаги кайф устига буниси қўшилди. Олчинбек дўсти билан хайрлашиб, рулга ўтирди.

— Кечгача дам олсангиз бўларди, шу аҳволда қандай кетасиз, — деди дўсти унинг ҳолатини кўриб.

— Уйда дам оларман, кечкурун тўйда учрашамиз, — деди қайсарлик билан Олчинбек.

У тўғри дўконга борди, айрилган моллар келганидан кўнгли хотиржам бўлиб, ваъда бўйича тижоратчи аёлиникига борди. Кўнгиликхушлик анчага чўзилиб, кун оғанда яна йўлга чиқди. У анча толиққанди. Деярли бир ҳафтадан бери тиним йўқ, дўконларни молга тўлдириб турмасанг, харидордан айрилсан. Шунинг учун олиб-югуриб ишлаш керак.

Йўлда бораркан, тўсатдан олдида машина чиқиб қолди. У аранг тўхтаиб улгурди. Яхшиям йўл кенгроқ экан, ҳайдовчи ҳам буриб юборишга улгурди.

Олчинбек қачон шу аёл билан бирга бўлса, бирор ҳодиса юз беради. Ёз кунни уникидан қайтаётганда машинасида бир қўйни уриб юбориб, эгасини пул билан рози қилганди. Яна бир

анҳор ёнидаги кичкина овлоқ йўл бўйлаб ҳайдади. Уйга бориб тўёна пулни олиб келиши керак. Онда сонда қаршидан машина учрайдиган йўлда бораётиб кўзи юмила бошлади. Машинанинг тарақлаб урилишидан ўзига келиб, кўзини очган йигит ҳеч нарсага тушунолмади.

— Машинани қаёққа ҳайдаёпсиз, йўл нарёқда-ку, — дея бақирди йўловчи йигит ва машина тагида қолган қизни кўрсатди.

Икковлашиб қизни тортиб олишди. Йигит ўкраб йиғларди:

— Дилбар, кўзингизни очинг, кўзингизни очинг.

Олчинбек нима бўлганини энди тушунди. Машина анҳорга қараб бурилган. Бу икки ёш сув бўйида ўтиришган ва уларнинг устига бостириб келган.

— Мастмисиз, нега бу ёққа бурасиз, кимсиз ўзи? — деди йигит Олчинбекка дағдаға қилиб.

— Ука, кўзим кетиб қолибди, майли, харажани тўлайман, бу ёгидан хавотир олма, фақат ҳеч ким билмасин, — деди Олчинбек лаби титраб.

— Дилбар ўлиб қолди-ку, пулингизни нима қиламан, — дея қизнинг бошини кўтарганча йиғларди йигит.

Олчинбек йигитни кўндириш учун яна ури-

Бир болани камолга етказиш учун ота-она, маҳалла-қўй ва ўқитувчилар салкам йиғирма йил вақт сарфлайдилар. Бунга тарбия учун кетган меҳнат ва сарф-харажатларни ҳам қўшса Ватанга, элга сидқидилдан хизмат қиладиган баркамол инсоннинг вояга етиши ўз-ўзидан бўлиб қолмаслиги ойдинлашади. Шунча саъй-ҳаракатлар самара бериши учун доимо ҳушёр бўлмоғимиз зарур. Негаки, мана шу йиғирма йиллик меҳнатни 20 кунда чиппака чиқарадиган бир касофат борки, бунга гиёҳвандликка мубтало бўлиш балоси, десак хато қилмаймиз.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги пайтда гиёҳвандлик моддалари билан оқчи-сотди қилувчилар, ташувчи ва тарқатувчилар то-

СЕРГАК НАЗОРАТЧИЛАР

бора пинҳона усуллар билан ўз қинғир ишларини давом эттиришяпти. Бироқ ички ишлар ходимлари уларнинг турли хил найранглари аёвсиз фош этишмоқда.

Масалан, республика Ички ишлар вазирлиги ва Самарқанд вилояти ИИБ ходимлари томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган навбатдаги тадбир давомида Акмал Икромов кўчасида яшовчи фуқаро М. Мусо 1,5 килограмм героинни 7 минг 500 АҚШ долларига сотмоқчи бўлганда қўлга олинди. Бу модда унга тегишли “Жигули”дан топилди.

Олиб борилган тезкор суриштирувлар натижаси-

да унга шунча оғуни Денов шаҳрида яшовчи Т. Азамат, М. Аширқул ва Ж. Худойназарлар келтириб беришгани аниқланди. Бунга қарангки, Т. Азамат қабиҳ ишга ўз қизини ҳам жалб этган экан.

Сурхондарё вилояти ИИБ жиноят-қидирув ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ходимлари ҳамкорликда олиб борган тадбирларда Шеробод тумани ҳудуди жойлашган ЙПХ масканида яна бир жиноий гуруҳнинг қилмиши фош этилди.

Қизириқ тумани Гиламбоб жамоа хўжалигида яшовчи Н. Жалғаш ушбу масканида тўхталиб, автомашина синчковлик билан

текшириб кўрилди. Шунда машинанинг остки қисмидаги махсус ясалган туйнукда елим халтачаларга ўралган 16 килограмм 609 грамм қоратори ва 2 килограмм 725 грамм героин олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Жалғашга ушбу гиёҳвандлик моддаларини Сариосиё тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи, илгари судланган Э. Тоғайназар Хоразм вилоятига олиб бориб бериш учун берганлиги ва бу хизмати эвазига 400 минг сўм ваъда қилгани аниқланди. Шундан сўнг Э. Тоғайназар ҳам қўлга олинди.

Яна бир мисол. Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ хо-

димлари Тошкент—Хоразм йўналиши бўйича ҳаракатланаётган, уруглик Р. Асат бошқарувидаги “Нексия” автомашинасини тўхтаиб текширишганда йўловчи Т. Мизрабжоннинг пайпоғига яширилган қоратори топилиди. Автомашинани олд қисмининг ўнг ва чап қанотлари остидан эса елим халтачаларга ўраб яшириб қўйилган 14 килограмм гиёҳвандлик моддаси олинди.

Гиёҳфурушлар ҳар қанча устомонлик қилишмасин, уларнинг қилмиши албатта, фош этилиши шу мисоллардаёқ кўриниб турирди. Ножўя ишга қўл ураётган шахслар қонун олдида жавоб беришларини унутмаслигини истардим.

Т. ЖўРАЕВ,
милиция майори.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Юқоричирчиқ тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда.



Юрий Сергеевич ХОН. 1965 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Гулумқодир Жолдасович ТУРДИКУЛОВ. 1968 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Шерали Садикжанович УМИРЗАКОВ. 1968 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Бронислав Максимович КИМ. 1960 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Евгений ТЕН. 1952 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.



Александр Валерьянович КИМ. 1972 йилда туғилган. Юқоричирчиқ туманида яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

БИОТЕРРОРИЗМ — ЎРТА АСР ВАҲШИЙЛАРИНИНГ ҚУРОЛИ

Бактериологик (биологик) курул оммавий қиргин қуроли ҳисобланади. У одамларни, ҳайвонлар ва ўсимликларни ялли оғир касалликларга чалинтурувчи микроорганизмлар, токсинлар ва уларни тегишли жойга етказувчи техник воситалар кўринишида бўлиши мумкин. Бактериялар, вируслар ва уларнинг токсинларидан ташқари, касалланган ҳашаротлар ва жониворлар (кўпинча кемирувчилар) ҳам шу сирага қиради. Биологик курул рақибнинг кўшинларини, аҳолини, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва экинларини ялли қиришга қаратилгандир.

Қадимдан рақибнинг кўшинлари, қамал қилинган шаҳарлар аҳолиси ўртасида юқумли касалликлар тарқатишга уринишлар бўлган. Қадимги Рим кўшинлари Юнонистон, Миср, Суриянинг қамал қилинган шаҳарларига юқумли касалликлардан ўлган одамлар ва ҳайвонларнинг мурдаларини ташлашган. XVII асрда Шимолий Американи истило қилиш чоғида испанлар ҳинду қабилаларига қора чечак микроблари

бўлган адёллар тарқатишган. Натижада қора чечак эпидемиясидан уч миллионга яқин ҳинду қирилиб кетган.

Илк бор том маънодаги бактериологик курул ишлаб чиқишга XX аср бошларида киришилди. 1916 йилда ҳарбий врачлардан бири Германия ҳарбий вазирига ҳаво баллонлари ёрдамида Англияга ўлат бациллар тарқатишни таклиф қилди. Шунда унга, "Ватанга муҳаббатингиз мақтовга сазовор,

албатта. Аммо биз бундай қадам қўядиган бўлсак, миллат сифатида яшашига маънавий ҳаққимиз қолмайди", — деб жавоб беришган. Аммо жин кўзадан чиқиб улгурган эди. Биринчи жохон уруши даврида Кайзер Германияси биологик воситаларни қўллашга бир неча бор уринди. Масалан, у француз армияси отлари орасида манқа касаллигини тарқатди.

Иккинчи жохон уруши даврида, айниқса, Япония биологик куруллар яратиш бўйича фаол иш олиб борди. Хитойнинг босиб олинган Маньчжурияда у иккита илмий тадқиқот маркази очди. Уларнинг вазифаси бактериологик курул яратиш эди. Бу марказлар бир ой мобайнида 1 тонна вабо вибриони, икки-уч ой ичида ўлатга чалинган 40 килограммча бурга етиштириши мумкин эди. Биологик куруллар нафақат ҳайвонларда,

балки ҳарбий асирларда, Хитойнинг тинч аҳолисида ҳам синиб кўрилган. 1940-1945 йиллар мобайнида бу марказларда уч мингдан ортиқ тажриба ўтказилган одам дунёдан кўз юмган.

Бугунги кунда камбағал давлатлар ҳам биологик курулга эга бўлиши мумкин. Бунинг учун икки-уч нафар саводли биотехнологни ёллаш кифоя. Эбол, Марбург, Ласс, Рифт водийси, Крим безгаклари, чечак вируслари, ўлат, куйдирги, оқсил, ич терлама каби касалликларни тарқатувчи микроорганизмлар патоген агентлар гуруҳига қиради. Биологик куруллар турли воситалар ёрдамида қўлланилиши мумкин. Одамлар кўп тўпланадиган жойларда аэрозоллар ҳосил қилиш, сув манбаларини, озиқ-овқат маҳсулотларини, кундалик эҳтиёж буюмларини, почта жўнатмаларини зарарлантириш, шулар жумласидандир.

Ҳозир инсоният тараққий толган, маданий ёвузликка гувоҳ бўляпти. Ҳатто, фашистлар ҳам тинч аҳолига нисбатан биологик курул қўллашга ботинишмаган эди. Биз инсоний қадриятлар устида жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Бир пайтлар биоло-

гик ҳужумдан ҳимояланишга тайёргарлик кўрар эдик: тўсатдан микроблар тўлдирилган бомба ташлашса-я, деб ваҳимага тушардик. Бу бўлмаган саросима. Чунки ҳеч бир босқинчи ўзи эгалламоқчи бўлган мамлакатни захарламайди. Аммо террористларга бу курул қўл келди. Улар одамлар ичига ваҳима, фулгула солишга уринишяпти. Биз бу билан одамларни саросимага туширмоқчи эмасмиз. Аммо хавфдан гафлатда қолмаслик керак. Эҳтиёткорлик зиён қилмайди.

Биотерроризмдан сақланиш учун нима қилиш керак?

Биринчи галда шубҳали туюлган нарса ва буюмлардан эҳтиёт бўлиш керак. Бу ҳақда, бошқа ташвишли маълумотлар тўғрисида шаҳар, туман маъмуриятига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериш лозим. Хушёрликни қўлдан бермай одатдаги яшаш тарзини давом эттириш керак.

Биотерроризм — бу инсоният манфаатлари учун зарур бўлган илмий тараққиёт ва биотехнологиялардан ваҳшийларча фойдаланишдир.

Д. ТўРАНАЗАРОВ,
тиббиёт хизмати полковниги.

Умидли ёшларимиз

Транспорт ИИБ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ходими, милиция подполковниги Зафар Мирфаёзов бундан икки йил аввал қизи Саодатни "Динамо" спорт мажмуи тирга олиб борди.

— Ўқ отиш тўғрисида қатнашсанми, қизим? — деди унга ўқ отиш бўйича спорт устаси С. Возмишев.

Очиғи, Саодат буни қутмаган эди. Тўғрақда шуғулланаётганлар ўғил болалар бўлса, улар билан қандай тил топишади. Бунинг устига қиз боланинг курул билан муомала қилиши... Шуларни ўйлаган Саодат бирор жўяли жавоб айта олмади. Аммо бу таклиф уйда ҳам, мактабда ҳам хаёлини банд қилиб қўйди.

— Ўқ отишнинг ўзига хос томонлари бор, — деди Зафар қизидоғи иккиланишни сезиб. — Бу машғулот инсонни кучли ва қатъиятли қилади. Қолаверса, у билан бошқа спорт турларидан фарқли ўлароқ кучдан қолган пайтда ҳам шуғулланиш мумкин.

Отасининг шу гапи сабаб бўлдики ёки қалбининг тубида куртак ёзаётган истакми, Саодат "Динамо" спорт мажмуига кейинги борганида тўғраққа ёзилди. Ва маълум вақт ўтгач, тўғри қилганини англаётди. У машқларга жуда тез кўникди. Кўп ўтмай Бахтиёр, Баҳром ва бошқа ўсмирлар билан дўстлашиб кетди. Устозининг ўғитлари ва тенгдошларидан олган сабоқлар туфайли курулни тўғри ушлаш, нишонни аниқ мўлжалга олишни ўрганди. Вақт ўтиши билан "Моргулин" тўппончасидан ўқ отиб, муваффақиятларга эриша бошлади.

Масалан, шу йил март ойида ўқ отиш бўйича очик ўзбекистон биринчилигида иштирок этган Саодат

ПП-2 машғулотда 290 очко жамғариб, учинчи ўринни, октябрь ойида эса Ўзбекистон Кубоги баҳсида МП машғулотда 553 очко тўплаб, иккинчи ўринни қўлга киритди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг иккинчи ва учинчи даражали Дипломлари билан тақдирланди.

— "Динамо" спорт мажмуи иккинчи уйимга айланган қолди, — дейди Саодат Мирфаёзова. — Ҳозирда пўйтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 116-мактабнинг 9-синфида таълим оляяпман.

— Ўқ отишдан бошқа яна бирор машғулот билан шуғулланасизми? — сўраймиз ундан.

— Ҳафтада уч марта "Динамо"га бораман. Уч кун эса

инглиз тилини ўргана-япман.

— Келажакда ким бўлмоқчисиз?

— Ҳуқуқшунос бўлиш ниятим бор.

— Ўқ отишни ҳам давом эттирасизми?

— Албатта. Орзуим 2004 йилда Афина Олимпиадасида иштирок этиш. Шу мақсадда ўз устимда кўпроқ ишлашга ҳаракат қиляяпман.

Саодат Мирфаёзова умидли ёшларимиздан биридир. У спортга ошно бўлгани учун соғлом ва чиниқиб камол топяпти. Ҳозирда у Сарвар Садриддинов, Козим Юнусов ва бошқа синфдошларида ўқ отиш тўғрисида қизиқиш уйғота олди.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Суратда: Саодат Мирфаёзова.



ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛДИ

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ ходимлари ҳар йили ўтказиладиган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" да фаол иштирок этадилар. 15 ноябрда бошланадиган навбатдаги ойлик тадбирга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.

Жойларда корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли яшаш уйларини текшириб чиқиш учун муайян режалар тузилди. Бу ишга фақат ёнғин хавфсизлиги ходимлари эмас, жамоат ташкилотларининг вакилларини ҳам жалб этиш кўзда тутилган. Маҳаллий ҳокимликлар

билан биргаликда давлат бюджетидоғи муассасаларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш, асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалалари бўйича ҳам чора-тадбирлар кўришмоқда.

Жойларда ташвиқот-тарғибот ишларини кенг олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланилади. Маҳаллаларда, мактабларда, болалар боғчаларида суҳбатлар уюштирилади.

Ҳар бир туман, шаҳарда ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказишга ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимлари ҳам жалб этилган.

Ўз мухбиримиз.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ИИБ томонидан Шеробод шаҳри, А. Кулол кўчаси, 7-уйда яшаб келган, 1954 йилда туғилган Чори Ашуров қидирилмоқда. У шу йил 19 май куни соат 15.00 лар чамасида уйдан ўзига тегишли "ВАЗ - 2106" русумли, давлат белгиси Г 64-64 СД бўлган автомашинани қирақашлик қилиш мақсадида уйдан ҳайдаб чиқиб кетганича қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см., тўладан келган, бугдой ранг, сочи қора, пешона қисмидаги сочи тўкилган, қошлари сийрак, лаби қалин, бурни катта, мўйлови бор.

Алоҳида белгиси: қўлига "А. Ч." деган ёзув татуировка қилиб туширилган.

Кийимлари: эғнида очик кўк кўйлак, пижама шаклида тикилган, ўнг тизза қисмида чизиклари бор малла шим бўлган.

Ч. Ашуровни қўрган ёки билганлар яқин ўртадаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби навбатчи қисм катта нозири, милиция майори Т. Бурановга падари бузруквори
НАЖИМ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлинима бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўйича ўринбосари, милиция подполковниги А. Одиловга онаси
ХАТИРА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Марказий ахборот-диспетчерлик хизмати катта инспектор-навбатчиси, милиция майори У. Умаровга падари бузруквори
ТУРГУН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирилик Марказий касалхонаси бошлиги, ички хизмат подполковниги Х. Усмоновга падари бузруквори
ҲАМИД хожи отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўртачирчиқ тумани ИИБ бошлиги, милиция подполковниги Ш. Норбековга акаси
Неъмат НОРБЕКОВНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Булунгур тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби милиция катта сержанти О. Қулбоевга онаси
КАРОМАТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририят жамоаси тахририят ходими Т. Галкинага отаси
Василий Васильевич МАТИЦИННИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b.
Murod TILLAEV

Mas'ul kotib o'rinbosari
B. AZIMOV
Navbatchi:
B. TOSHEV
Musahihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muhbirlar bo'limi 139-75-69.
Buhgalter 139-75-37
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida:
21596000200447980001,
MFO 00014.

ABN AMRO Bank HB O'zbekiston A.O.
20210000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

· Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart

· Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

· Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma **Г — 3022.** Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji **47 502** nusxa.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.